

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

305 Термиз шаҳрида «Адиб Собир Термизий» номидаги Сурхондарё вилоят ахборот-кутубхона марказининг янги биносини қуриш тўғрисида

[Кўчирма]

Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, замонавий, юқори самарали ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ахборотлар олишнинг манбаи, шакл ва усулларини танлаш имкониятини таъминлаш тамойили асосида аҳолининг, айниқса ёшларнинг интеллектуал, билим олиш, маънавий-ахлоқий ва маданий эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш учун қулай шарт-шароитлар ҳамда кенг ахборот-ресурс базасини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг Термиз шаҳрида «Адиб Собир Термизий» номидаги Сурхондарё вилоят ахборот-кутубхона марказининг (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) янги биносини қуриш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги 322-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 45-сон, 576-модда) билан тасдиқланган Термиз давлат университети ҳузуридаги «Амударё» спорт-соғломлаштириш маркази объектларини лойиҳалаштириш ва қуриш ишлари (шу жумладан қурилиш ташкилотлари, молиялаштириш манбалари ва қурилиш муддатлари) билан боғлиқ чора-тадбирлар режасининг 10-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 16 июнь,
208-сон